

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди**  
**№**  
**20**        йил

Ўзбекистон Республикаси Олий  
ва ўрта маҳсус таълим вазирининг  
20        йил “      ”        даги  
      -сонли бўйруғи билан  
тасдиқланган.

**“ХУҚУҚШУНОСЛИК”**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг  
ўкув дастури

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ФАКУЛЬТЕТИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириши ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини  
Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2015 йил 16 июлдаги 4-сонли  
баённомаси билан маъқулланган.*

**Тузувчилар:** “Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари” модули: с.ф.д., профессор И.Эргашев, ю.ф.н., доцент В.Топилдиев.

“Илгор таълим технологиялари ва педагогик махорат” модули: п.ф.д., профессор Н.А.Муслимов, п.ф.н. М.Т.Мирсолиева, п.ф.н. доцент М.Усманбаева, А.Исянова.

“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” модули: ф-м.ф.н., доцент Х.Холмедов, ф-м.ф.н., доцент Д.Иргашева, катта ўқитувчи В. Ҳамидов.

“Амалий хорижий тил” модули: Ўзбекистондаги Британия Кенгашининг етакчи мутахассислари, катта ўқитувчи У.Гиясова.

“Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модули: с.ф.д., профессор С.Жўраев, т.ф.н., профессор С.Абдурахимов, п.с.ф.н. Х.М.Алимов.

**Махсус фанлар бўйича:**

ТДЮУ кафедра мудирлари: ю.ф.д., доцент М.Ахмедшаева, ю.ф.н., доцент Ш.Зулфиқоров, ю.ф.н., доцент Х.Азизов.

**Тақризчилар:** Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети кафедра мудири, доцент, ю.ф.н. Х.Тўйчиева, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети кафедраси катта ўқитувчиси, ю.ф.н. С.Муратаев.

Ўқув дастури Тошкент давлат юридик университети Кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия қилинган (2015 йил 3 июлдаги 11-сонли баённома).

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиши усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос ҳусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

### **I. Олий таълимнинг норматив хуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асрларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари.
- 2.2. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.
- 2.3. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.

## **III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

- 3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.
- 3.2. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

## **IV. Амалий хорижий тил**

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

- 5.1. Тизимли таҳлил асослари.
- 5.2. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари.

## **VI. Махсус фанлар**

- 6.1. Давлат ва ҳуқуқнинг замонавий ривожланиш тенденциялари.
- 6.2. Конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ назарияси ва амалиёти.
- 6.3. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи.

## **VII. Педагогик амалиёт**

## **VIII. Малакавий аттестация**

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқувтарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қўйидагилар киради:

“Ҳуқуқшунослик” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Хуқуқшунослик” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва амалиёт билан интеграциясини таъминлаш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- хуқуқий фанлар назарияси, қонуниятлари ва асосий тамойилларини;
- соҳага тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни;
- хуқуқий фанлар бўйича инновацияларни, шунингдек ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услубларини;
- хуқуқ соҳасига оид интернет тармоғида мавжуд илмий янгиликларни;
- глобализация жараёнларининг давлат ва хуқуқ ривожига таъсирини;
- ўқув жараёнида назарий тайёргарликни хуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлашни;
- давлат ва хуқуқнинг замонавий ривожланиш тенденцияларини, давлат ва хуқуқ ҳақидаги замонавий концепциялар, мактаблар ва йўналишларни;
- хуқуқий фанлар бўйича илғор хорижий тажрибаларни;
- давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-хуқуқ тизимини модернизация қилиш ҳақидаги маълумотларни **билиши** керак.

#### **Тингловчи:**

- хуқуқий фанларнинг сўнгги ютуқларини, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- хуқуқий фанларнинг истиқболи ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- хуқуқий фанларни ўқитишда таълим беришнинг модулли тизимидан кенгроқ фойланиш;
- соҳага оид қонунчилик нормаларини ўқув жараёнида қўллай олиш;
- хуқуқий фанларни ўқитишда замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига фаол тадбиқ этиш;

- ҳуқуқий фанларни ўқитишида таълим беришнинг модулли тизимидан кенгроқ фойланиш;
- ҳуқуқий фанларга тааллуқли бўлган тадқиқотларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- ҳуқуқий фанларни ўқитишида амалиёт материалларидан кенгроқ фойдаланган ҳолда таҳлилий фикрлаш;
- республикамиздаги ва хорижий давлатлардаги ҳуқуқий фанларга тегишли илмий ютуқларни, маҳсус адабиётларни ва бошқа ахборотларни ўрганиш;
- ҳуқуқ соҳасининг муайян йўналиши бўйича ҳуқуқий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- ҳуқуқ соҳасининг муайян йўналиши бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ўқув адабиётларини таҳлил қила олиш;
- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва қонуности ҳужжатлари мазмунини билиш ва уларни амалда қўллай олиш;
- ҳуқуқ соҳасининг муайян йўналишига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлай олиш;
- ҳуқуқ соҳасига оид амалиёт материалларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотлар асосида тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- ҳуқуқий ҳужжатлар (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, процессуал ҳужжатлар, юридик хулосалар, хизмат хатлари ва ҳоказо) тайёрлай олиш;
- ҳуқуқ соҳасига оид муайян фаолиятни янада такомиллаштириш масалаларини таҳлил этиш ва баҳолаш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- ўқув жараёнини назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини, талабаларда таҳлилий фикрлашни шакллантиришни, янги билимларни мустақил эгаллаш ва қўллашни таъминлайдиган ўқитишининг замонавий шакл ва методлари, педагогик, ахборот-коммуникациявий, инновацион технологиялар асосида ташкил этиш;
- давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг долзарб ҳуқуқий муаммолари бўйича халқаро тажрибани ўрганиш;
- ҳуқуқ соҳасига тааллуқли масалалар бўйича малакали юридик хулосалар ва маслаҳатлар бера билиш;
- ҳуқуқ соҳасига тааллуқли факт ва ҳолатларни юридик нуқтаи назардан тўғри баҳолаш;
- ҳуқуқ соҳасига оид адабиётларни, конституциявий-ҳуқуқий нормаларни тўғри таҳлил қилиш ва ўқув жараёнида қўллаш;
- халқаро ва миллий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш, баҳолаш ва таҳлил қилиш;

- талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, хукуқий, сиёсий маданиятини ва хукуқий онгини ошириш, уларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ–4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

### **“Хуқуқшунослик” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни**

#### **I. Олий таълимнинг норматив-хукуқий асослари**

##### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.**

Инсон онг ва тафаккурининг янгиланиши жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истиқболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Юксак маънавият – енгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш-мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир” ва бошқа асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

##### **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик нормалари.**

Норматив-хукуқий хужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-хукуқий хужжатларнинг ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиши ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги 3-сон Қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талabalар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талabalарининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа норматив ҳужжатлар.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

### **2.1. Инновацион таълим технологиялари.**

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиши босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишининг инновацион шакл, метод ва воситалари. Таълим-тарбия жараёнини

технологиялаштириш асослари. Очиқ маъруза, амалий машғулотларни лойиҳалаштириш, ташкил этиш.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосидаги таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, табақалаштирилган ўқитиш ҳамда интерфаол таълим методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш. Электрон ўқув модуллари. Силлабус, кейслар банкини яратишга қўйиладиган дидактик талаблар.

## **2.2. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.**

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологияк, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гурухни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик – педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурӣ шартшароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шаротида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

## **2.3. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.**

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар ва бошқ. Замонавий таълимда тыюторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолияти. Педагогик фасилитация – таълимда натижавийликни таъминлашдаги муҳим омил сифатида. Талабалар билимини баҳолашнинг ассесмент технологиялари.

### **III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

#### **3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.**

Мультимедианинг компонентлари. Мультимедианинг бажарилиш шартлари. Мультимедианинг дастурый таъминоти. Мультимедиа компонентларини солиштириш. Сақловчи технологиялар. CD-ROM, CD, DVD, HD DVD, Blu-ray. Мультимедиа файл форматлари. Мультимедиа плейерлари. Мультимедианинг қўлланилиши. Видео конференция. Медиа соҳалари. Рақамли аудио. Аудио файллар. Самплинг методи. Файлларни сақлаш усули. Аудио ва видеони таҳирлаш. Мультимидали электрон нашрлар (ўкув фильмлари, электрон дарсликлар).

Электрон таълим ресурслари ҳақида тушунча. Масофавий ўқитишда электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари. Мультимидали маърузалар категориялари, Муаллифлик дастурый таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш.

Масофали ўқитишнинг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимни ташкил қилиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари. Таълимда эркин ва очиқ кодли дастурый таъминотлар таҳлили. LMS тизимларининг асосий функциялари.

Moodle тизимида ўкув жараёнини, жорий, оралиқ ва яқуний назорат турларини ташкиллаштириш. Moodle тизимида ўкув контентларни шакллантириш ва бошқариш.

Оммавий онлайн очиқ курслар (Soursera, edX, Khan akademiyasi, MIT Open Course Ware).

#### **3.2. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.**

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълимиy Интернет ресурслари ва улардан ўкув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Ziyonet.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон муроқот мухитида жамоа бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим мухитида педагогик жараённи лойиҳалаштириш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурый воситалардан фойдаланиш, амалий дастурый воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машғулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўкув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word,

Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар ҳимоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида ҳимоялаш. Ҳимоялаш воситалари.

#### **IV. Амалий хорижий тил**

##### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислоҳотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг мазмуни. Тил алокা (коммуникация) воситаси сифатида ҳамда тилга оид билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш усуллари.

Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари: коммуникатив, интерактив мулоқот, вазиятли-иммитацион ўйинлар, дебатлар, аудио-визуал усуллар ва Интернет ресурслари.

Тилни муваффақиятли ўзлаштириш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ.

Хорижий тилни ўрганишда нутқ фаолияти турлари (ўқиш, гапириш, тинглаб тушуниш, ёзув) бўйича компетенцияларни ривожлантириш усуллари.

Маданиятларо мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

#### **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

##### **5.1. Тизимли таҳлил асослари.**

Тизимли таҳлил ҳақидаги асосий тушунча ва тамойиллар. Тизимнинг хусусияти ва тузилмаси. Тизимли таҳлил методологияси. Тизимли таҳлилнинг йўналишлари. Тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Тизимли услуг ва тизимли ёндашув. Аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этиш. Аналитик методлар ёрдамида қарорлар қабул қилиш. Тизимли таҳлилда миқдорий ва сифат ёндашуви. Педагогик вазиятларда қарор қабул қилиш усуллари. Талабалар индивидуал-психологик ҳамда креатив ривожланиш даражаларининг тизимли таҳлили.

## **5.2. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари.**

Комплекс қарорлар чиқаришда тизимли таҳлил хусусиятлари. Қарорлар қабул қилишнинг асосий қоидалари ва таснифи. Қарор қабул қилиш даражалари. Қарор қабул қилиш босқичлари. Қарор қабул қилиш психологик жараён сифатида. Ўқув жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари. Турли омиллар асосида қарор қабул қилишнинг методологик жиҳатлари. Қарор қабул қилишда моделлаштириш усуллари. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарорлар қабул қилиш тажрибаси. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг ахборот таъминоти.

## **VII. Махсус фанлар**

### **6.1. Давлат ва хуқуқнинг замонавий ривожланиш тенденциялари.**

Давлат феномени: турли даражадаги қарашлар. Оммавий-сиёсий ҳокимият. Давлат моҳиятининг замонавий концепциялари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ҳозирги замон давлати моҳияти тўғрисидаги қарашлар. Давлат механизмини такомиллаштиришнинг ҳозирги замон тенденциялари. Давлат ҳокимиятини ташкил этиш принциплари. Ҳозирги замон давлатида ҳокимиятлар бўлиниши принципи. Давлат ҳокимияти тармоқлари ўзаро муносабатининг муаммолари. Глобаллашув жараёнлари шароитида давлат функцияларининг ривожланиш тенденциялари. Глобаллашув шароитида Ўзбекистон давлатининг функциялари. Ҳозирги замон ҳуқуқи ва уни тушуниш юзасидан турли ёндашувлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ҳозирги замон ҳуқуқи ҳақидаги қарашлар.

### **6.2. Конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ назарияси ва амалиёти.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиши зарурати ва Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузум асослари. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг конституциявий асоси ва кафолатлари. Фуқаролик жамият ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг конституциявий асоси. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг конституциявий-ҳуқуқий тартиботи. Давлат бошқаруви тушунчаси, функциялари ва асосий принциплари. Маъмурий ҳуқуқ предмети, усули, тизими ва манбалари. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар, муносабатлар ва субъектлар. Давлат бошқарувининг маъмурий-ҳуқуқий шакллари ва усуллари.

### **6.3. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи.**

Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ва уларнинг турлари. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш тартиби. Тадбиркорлик

субъектларининг банкротлиги. Тадбиркорлик фаолиятининг мулкий асослари. Тадбиркорлик фаолиятида шартномалар. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий тартибга солиниши. Тадбиркорлик субъектларини молиялаш ва кредитлаш асослари. Тадбиркорлик субъектларини солиқса тортиш. Тадбиркорлик субъектлар фаолияти устидан давлат назорати. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

## **VII. Педагогик амалиёт**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маъruzалар ва амалий машғулотлар ўtkазиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқкан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, амалиёт билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (лойиҳа иши) доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс берадиган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қўйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Силлабус;

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошк.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қўйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устувор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидағи инновациялардан ҳамда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимиға киритиб бориши лозим.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариандаги манбаалардан фойдаланилади.

## **Адабиётлар**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – 410 б.
8. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак. Т. 10. – Т.: “Ўзбекистон”, 2002. – 432 б.
9. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003. – 320 б.
10. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлик ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т.: “Ўзбекистон”, 2004. – 400 б.
11. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. Т.14. – Т.: “Ўзбекистон”, 2006. – 280 б.
12. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – 176 б.
13. Каримов И.А. Жаҳон инқизозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. Т.18. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – 264 б.
14. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 348 б.
15. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”. 2011. – 440 б.
16. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т. 20. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 320 б.
17. Каримов И.А. 2012 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги “Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш –

- бизнинг бош мақсадимиздир” деб номланган маъруза // “Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 8 декабрь.
18. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” номли 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. // “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь.
  19. Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. Т.21. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. – 384 б.
  20. Каримов И.А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир. / Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Инсон ва қонун газетаси, 2014 йил 10 декабрь, № 49 (941).
  21. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидага маърузаси. 2015 йил 23 январь. // И.А.Каримов – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 40 б.

## **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2014. – 76 б.
2. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 12-сон, 215-модда.
3. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 432-II-сон Конституциявий Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 12-сон, 213-модда.
4. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 518-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 132-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 30.08.2001 й. 265-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 9-10-сон, 176-модда // Ўзбекистон Республикаси 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонун билан ўзгартиришлар киритилган.
6. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 524-II-сон Қонуни

- билин тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 138-модда.
7. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 30.08.1995 й. 103-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1995 й. 9-сон, 178-модда // Ўзбекистон Республикаси 13.12.2002 й. 447-II-сон, 30.08.2003 й. 535-II-сонли қонунлар билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 1-сон, 8-модда, 9-10-сон, 149-модда
  8. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.1997 й. 464-I-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1997 й. 9-сон, 225-модда.
  9. “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 26.11.1996 й. 337-I-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1997 й. 2-сон, 36-модда // Ўзбекистон Республикаси 20.08.1999 й. 832-I-сон, 12.12.2003 й. 568-II-сон, 30.04.2004 й. 621-II-сонли Қонунлар билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1999 й. 9-сон, 229-модда, 2004 й. 1-2-сон, 18-модда, 5-сон, 90-модда.
  10. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.1997 й. Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1997 й. 11-12-сон, 295-модда.
  11. Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 02.09.1993 й. 913-XII-сон Қонуни)
  12. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2013 йил 18 апрель. ЎРҚ -349.
  13. “Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.04.2004 й. 609-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. 2013 йил 22 апрель. ЎРҚ – 351.
  14. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 14.04.1999 й. 758-I-сон Қонуни билан тасдиқланган. 2013 йил 22 апрель. ЎРҚ – 350.
  15. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айrim моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 16-сон, 176-модда
  16. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни // 2014 йил 5 май, ЎРҚ-369-сон
  17. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиши ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги

- Қонуни // 2014 йил 4 сентябрь, ЎРҚ-373-сон.
18. Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуни // 2014 йил 25 сентябрь, ЎРҚ-376-сон.
  19. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни // 2014 йил 3 декабрь, ЎРҚ-378-сон.
  20. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси: (2011 йил 1 январгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2011 й. – 438 б.
  21. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси: (2007 йил 1 январгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2007 й. – 520 б.
  22. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонига илова. 2013 й., 18-сон, 233-модда), 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда).
  23. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон; 2013 й., 18-сон, 233-модда).
  24. Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 234-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда; 2001 й., 1-2-сон, 11-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 9-10-сон, 149-модда)
  25. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 169-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда).
  26. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида” 1991 йил 14 июнь, 285-ХII-сон // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 148-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда; 2005 й., 49-50-сон, 365-модда; 2009 й., 37-сон, 403-модда.
  27. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Чет эл инвестициялари тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 91-модда; 1999 й., 9-сон, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 14-15-сон, 86-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда.
  28. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукуқий базаси тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1998. 9-сон. 170-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,

- 2007 й., 31-32-сон, 315-модда. 2011 й., 51-сон, 542-модда.
29. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида” 2000 йил 25 май, 71-II-сон // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 142-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 110-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2011 й., 36-сон, 363-модда.
30. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида” Қонуни 1998 йил 30 апрель, 602-I-сон // (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 86-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 5-сон, 89-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда).
31. Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” Қонуни 1998 йил 30 апрель, 604-I-сон // (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 88-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 5-сон, 89-модда; 2003 й., 9-10-сон, 149-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2005 й., 21-сон, 148-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 52-сон, 555-модда; 2010 й., 35-36-сон, 300-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда)
32. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”. 2001 йил 6 декабрь, 310-II-сон // (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 110-модда; 2007 й., 29-30-сон, 297-модда, 50-51-сон, 506-модда; 2011 й., 51-сон, 542-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда)
33. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Хусусий корхона тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 12-13-сон, 100-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда; 2011 й., 37-сон, 374-модда; 2012 й., 37-сон, 421-модда
34. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Ҳакамлик судлари тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2006 й., 10-сон, 541-модда. 2006 йил 16 октябрь.
35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони.
36. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сон қарори.
37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий

таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.

38. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сон қарори

### **Ш. Махсус адабиётлар:**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари. – Т., 2000. – 218 б.
3. Баркалов С.А. Системный анализ и принятие решений. – Воронеж: НПЦ ВГУ, 2010. – 662 с.
4. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers\*- 2-том. CD ва DVD материаллари, – Тошкент, 2008.
5. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”. Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.
6. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1. – Т., 2011. – 182 б.
7. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологииялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истебдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
8. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологииялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истебдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
9. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании. Учебное пособие. – М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана, 2002. – 336 с.
10. Симонович СВ., Евсеев Г.А., Мураховский В.И. WINDOWS: лаборатория мастера: Практическое руководство по эффективным приемам работы с компьютером. – М.: АСТ-ПРЕСС: Информком-Пресс, 2000. – 656 с.
11. Спицнадель В.Н. Основы системного анализа. Учебное пособие. – Санкт-Петербург: Издательский дом «Бизнес-пресса», 2000. – 17 с.
12. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999. – 244 с.
13. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
14. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т., 2006. – 230 б.
15. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.

16. Проблемы общей теории права и государства. Под. общ. ред. В.С.Нерсесянца. – М.: Изд. Норма, 2010. – 816 с.
17. Лазарев В.В., Липень С.В. , Саидов А.Х. . Теория государства и права. Под. рук. Акад. Российской академии естественных наук, проф. К.Х. Абдурахманова. – М.: Изд-во Рос.экон. акад., 2007. – 620 с.
18. Жавлиев Н.Б. Ҳозирги замон ҳуқуқни тушуниш муаммолари / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. З.М.Исломов. – Т.: ТДЮИ, 2008. – 115 б.
19. Перевалов В.Д. Теория государства и права. 2-изд., перераб. и дополн. – Москва: Юрайт, 2012. – 415 с.
20. Ахмедшаева М.А. Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи назарияси муаммолари. Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир: ю.ф.д. проф. З.М.Исломов. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2011. – 236 б.
21. Нажимов М.К., Сайдуллаев Ш.А. Қонунчилик техникаси. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2008. – 184 б.
22. Исламов З.М. Юриспруденция. Теория государства. - Т.: “FAN VA TEXNOLOGIYALAR”, 2012. – 416 с.
23. Таджихонов У. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: Шарқ. – 532 б.
24. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2005. – 545 б.
25. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Муаллифлар жамоаси. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2012. – 649 б.
26. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи // Дарслик. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2012. – 564 б.
27. Енгібарян Р.В., Тадевосян Э.В. Конституционное право. – М.: Юристъ, 2002. – 188 с.
28. Алимов Х.Р. Маъмурий ҳуқук. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1995. – 203 б.
29. Алимов Х.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқук. Дарслик. 2-нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003. – 367 б.
30. Козлов Ю.М. Административное право: Учебное пособие. – М.: Юристъ, 2003. – 318 с.
31. Хамедов И. Административное право. Учебник. – Т.: УМЭД, 2004. – 234 с.
32. Назаров К. Маъмурий ҳуқук. Ўқув қўлланма. – Т.: СамДУ, 2004. – 214 б.
33. Худойбердиева В., Хожиев Э. Маъмурий ҳуқук. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2001. – 98 б.
34. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи. Дарслик. 1-2 том. Ш.Н.Рўзиназаров ва бошқалар. – Тошкент: Консаудитинформ, 2002.
35. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи. // Муаллифлар жамоаси. Отахонов Ф.Х.нинг умумий таҳрири остида – Тошкент: Адолат, 2007. – 466 б.
36. Хозяйственное (предпринимательское) право. Учебник. // под ред.

Оқюлова О. – Т.: ТГЮИ, 2010. – 560 с.

37. Азизов Х.Т., Ширинов Ж., Бакаев Ш. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Akademiya, 2013. – 114 б.
38. Ибратова Ф. Хозяйственное процессуальное право. Учебник. – Ташкент: ТДЮИ, 2011. – 705 с.
39. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган юридик кафолатлар. Бабакулов С., Оқюлов О., Нарзиев О., Ходжаев Б. – Тошкент: ТДЮИ, 2012. – 50 б.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. <http://www.ziyonet.uz> – jamoat axborot ta’lim tarmog‘i
2. <http://www.edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
3. <http://www.infocom.uz> – Infocom.uz электрон журнали:
4. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
5. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
6. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>
7. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси
8. <http://www.senate.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати сайти
9. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикасининг хукумат сайти
10. <http://www.parliament.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайти
11. <http://www.monitoring.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги қонун хужжатлари мониторинг институти сайти

## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оширишни ташкил этиш  
Бош илмий-методик маркази

Директор\_\_\_\_\_ У.Ш.Бегимқулов

“\_\_\_\_\_” 201\_\_ й.  
м.ў.

Тошкент давлат юридик университети  
Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва  
малакасини ошириш факультети

Декан\_\_\_\_\_ И.Б.Джураев

“\_\_\_\_\_” 201\_\_ й.  
м.ў.

## **КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
Хуқуқий тарғибот ва хуқуқий таълим  
бошқармаси

Бошқарма бошлиғи\_\_\_\_\_ А.М.Очилов

“\_\_\_\_\_” 201\_\_ й.  
м.ў.